

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.512.133 (092) Комёб

ЖЎРАЕВ ЖАМОЛИДДИН АМИНЖОНОВИЧ

КОМЁБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚИ

10.01.11-Адабий манбашунослик ва матншунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ-2012

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори, профессор
Ҳасанов Саидбек Рустамович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори
Шодмонов Нафас Намозович

филология фанлари номзоди
Пардаев Қўлдош Узоқович

Етакчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети

Диссертация ҳимояси 2012 йил _____ ойининг “___” куни соат___да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Д.067.02.16 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети, 409-аудитория.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин. (700174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси)

Автореферат 2012 йил _____ ойининг “___” куни тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди**

А.Тилавов

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқи мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англаш даврини бошдан кечираётган кезде тарих ҳақиқатини билиш, аждодларнинг олам ва одам ҳақидаги тушунчалари, фалсафий-эстетик, ахлоқий қарашлари акс этган адабий ёдгорликларни ўрганишда бирламчи қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш, илмий истифодага олиб кириш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлидир. Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди”¹, -деган сўзлари ҳам буни тасдиқлайди.

XIX аср ва XX юзйиллик бошлари Хоразм адабий муҳитининг Мунис, Огаҳий, Баёний, Аваз Ўтар сингари намоёндалари ижодини тадқиқ этиш юзасидан адабиётшуносликда муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, улар билан замондош Асад, Оқил, Саъдий, Комёб, Муродий, Султоний, Фаррух, Содиқ каби хон оиласидан етишиб чиққан ижодкорлар асарларининг қўлёзмалари ҳанузгача ўрганилмаган. Ушбу сулолага мансуб сермахсул ижодкорлардан бири Сайид Ҳомид тўра ибн Сайид Муҳаммадхон тўра Комёбдир (1862-1926/30). Бизгача ундан шеърлар девони, Мунис, Огаҳий, Баёний анъаналари давоми бўлган “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби бадиий-тарихий асарлар ва “Хоразм мамоликида фалак ҳодисасидин воқеа ажойиби зуҳур марҳаласиға келгонининг зикри” номли эсдаликлар етиб келган².

Гарчи Сайид Ҳомид тўрадан бой адабий мерос қолган бўлса-да, ҳанузгача ижодкорнинг илмий биографияси яратилмаган; асарларининг матний тадқиқи амалга оширилмаган; ижодий мероси юзасидан монографик тадқиқот бажарилган эмас. Комёбнинг тарихий асарлари ва эсдаликларидан Ватанимизнинг дипломатия, фан, таълим, маданият, адабиёт каби соҳалари тарихига доир қимматли маълумотлар ўрин олган. Шоир девонида ғазал, қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиббанд, рубоий, қитъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих жанрларига оид қарийб 6000 мисра шеър жамланган. Ана шу бой ижодий меросни махсус тадқиқ қилиш зарурати ушбу диссертация мавзусининг долзарб эканини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Комёб асарлари қўлёзмаларининг ўзаро матний қиёсини амалга ошириш, улар ўртасидаги фаркли ўринларни аниқлаш орқали муаллиф вариантыга яқин, нисбатан мукаммал матнларини тиклаш, шоир бадиий-тарихий асарларида фойдаланилган манбалардаги тафовутларни таҳлил этиш, шунингдек, шеърларининг мавзу кўлами ва жанр хусусиятларини, бадиий маҳорати сирларини ўрганиш, ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш эҳтиёжи ҳам ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 4.

² Асар эсдалик характериға эға бўлгани учун бундан кейин қисқача “Эсдаликлар” деб юритилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Комёб ҳаёти ва ижодий меросига доир баъзи фикрлар А.Самойлович, П.Иванов, Ҳ.Ҳофман, Л.Дмитриева, В.Абдуллаев, М.Юнусов, Б.Аҳмедов ва Б.Абдуллаева тадқиқотларида учрайди³. Бироқ, уларда ушбу мавзу тадқиқотчининг мақсади доирасида талқин этилган, холос. Хусусан, А.Самойловичнинг шоир девони билан таниш бўлганига оид хабарни Л.Дмитриева тузган феҳристдан билиш мумкин. Шунингдек, Л.Дмитриева ва Ҳ.Ҳофман маълумотлари бир-бирини такрорловчи девон тавсифидан иборат бўлиб, шоир ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тўғрисида тўлиқ тасаввур бера олмайди. П.Иванов ва В.Абдуллаев шоир яшаган муҳитга муносабат билдирган. М.Юнусов Комил Хоразмий ижоди борасида сўз юритиб, Комёбни ўша давр ижодкорларидан бири сифатида тилга олган.

“Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталоги”нинг VII жилдида ilk бор шоир девони ва “Таворих ул-хавонин” асари қўлёзмалари ҳақида маълумот берилган. Муаллифнинг таваллуд ва вафот саналари, тарихий асари ҳамда “Эсдаликлар”ига оид умумий фикрлар баён қилинган⁴.

Б.Абдуллаева шоирнинг тўрт асарини ўз ичига олган 3730 рақамли қўлёзма ва унинг таркибидаги “Девон” хусусида ахборот берган. Мақолада Комёбнинг туғилган йили, вафоти, у қолдирган мерос ҳажми, мавзу ва жанрлари, шоир ижодига салафлар таъсири, анъанавийлик ва ўзига хослик устида сўз юритилган. Булардан ташқари, шоир девонининг қўлёзма манбалари борасида фикр билдирилиб, баъзи асарлари таҳлилга тортилган. У қўлёзмага шоирнинг уч асари – “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-вақеот” ва девони киритилганини қайд этган. Лекин ижодкорнинг “Эсдаликлар”и тилга олинмайди.

Сўнгги йилларда Комёб ҳаёти ва ижоди юзасидан бир қатор тадқиқот ва нашрлар амалга оширилди⁵. Жумладан, Г.Исмоилованинг номзодлик ишида шоир ижодий мероси махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, Комёб асарлари миллий истиқлол мафкураси нуктаи назаридан илмий ўрганилиши зарурлиги ҳақида сўз юритилган. Д.Раҳим, Ш.Матрасул, Э.Мадрахимов, С.Самандарова, Комил Аваз ишларида ҳам шоир адабий меросига муносабат билдирилган. Д.Раҳим ва Ш.Матрасул Комёбнинг аждодлари, ижодий мероси манбалари юзасидан қимматли маълумотларни келтирган. Р.Орзибеков ва Ж.Жўраев

³ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Ленинград: Издание государственной публичной библиотеки, 1940.; Hofman H. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Sektion III. Utrecht, 1969. – P. 18-19; Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. III том. – М.: 1980, Наука. – С. 131-132; Юнусов М. Сахий каламлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – 174 б.; Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – Б. 87-88.; Абдуллаева Б. Комёб ва унинг қўлёзма девонлари // Адабий мерос, 1988. – № 2. – Б. 54-58.

⁴ Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмалари каталоги, 7-жилд. – Т.: Фан, 1964. – Б. 40.

⁵ Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – 118 б.; Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоху ишққа қул. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – 157 б.; Исмоилова Г. Феруз даври адабий муҳити: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Т., 1995. – 141 б.; Раҳим Д., Матрасул Ш. Феруз – шох ва шоир қисмати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. – 125 б.; Мадрахимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.; Самандарова С. Лаффасий тазкираси ва унинг қўлёзмалари. – Т.: Хазина, 1995. – 30 б.; Орзибеков Р. Ўзбек шеърлятида сирли-синкретик жанр ва шакллар. – Самарқанд, 1990. – Б. 14.; Жўраев Ж. Хоразм шоирлари ижодидаги муаммо жанри ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 4. – Б. 47-49; Комёб. Девон / Нашрга тайёрловчи Абдуллаева Б. – Т.: Университет, 2002. – 56 б

тадқиқотларида санъаткорнинг чистон ва муаммо жанрида яратган шеърлари таҳлил қилинган.

Комёб ҳаёти ва ижодини ўрганишда Лаффасий тазкирасининг нашри алоҳида эътиборга молик. Тазкирада шоир шахси ва шеъриятига оид қизиқарли маълумотлар бор. 2002 йили Комёбнинг 47 ғазалидан иборат сайланмаси Б.Абдуллаева томонидан сўзбоши билан бирга нашр қилинди.

Қайд этилган ишларнинг барчасида мавзу юзасидан муайян мақсад доирасидагина фикр билдирган. Ушбу диссертация шоир ҳаёти ва асарлари монографик асосда махсус ўрганилгани билан улардан алоҳида ажралиб туради.

Диссертациянинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Адабиёт музейи илмий-тадқиқот ишлари режаси Ф-7.4.8 – “Ўрта Осиё халқларининг бой адабий мероси, Ўзбекистон шоир ва ёзувчиларининг архивларини тўплаш, илмий тавсифлаш ва ўзбек адабиёти тарихининг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган жараёнларини тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган ҳамда филология соҳасининг устувор йўналишларига мувофиқ келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Комёб ҳаётини, у яшаган даврни ва ижодий мероси манбаларини ўрганиш, шоир асарларининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш, санъаткорнинг бадиий маҳоратини аниқлаш ва ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш диссертациянинг асосий мақсадидир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Сайид Ҳомид тўра таржимаи ҳолига оид манбаларни тадқиқ қилиш орқали унинг илмий биографиясини тиклаш;
- шоир ижодий меросининг қўлёзма манбаларини аниқлаш ва илмий ўрганиш;
- ижодкор шеърларининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш;
- назмий асарларини мавзуй тасниф асосида таҳлил этиш;
- шоирнинг шеърӣ санъатларни қўллаш маҳоратини баҳолаш;
- адибнинг бадиий-тарихий асарларида салафлар анъанаси ва ўзига хослик масаласи тадқиқи;
- Комёбнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Комёб девонининг ЎзР ФАШИ фондидаги 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақамли, “Таворих ул-хавонин”нинг 7717/I, 853/III, 3730/I, “Мунтахаб ул-воқеот”нинг 3730/II рақамли, “Эсдаликлар”нинг 3730/III, 7717/II рақамли қўлёзмалари илмий ишнинг объекти саналади. Шоир мероси манбаларининг таҳлили, асарларининг матний-қиёсий тадқиқи, шеърларининг мавзу ва жанр хусусиятлари, бадиий-тарихий асарларида салафлар анъанасининг давом эттирилиши, ижодкор маҳорати масалалари тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва илмий методи. Президентимиз И.А.Каримов асарлари ва маърузаларидаги миллий маданий меросимиз ва

адабиётимизни ўрганишга доир кўрсатмалар ҳамда адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўзбек ва жаҳон олимлари эришган илмий-назарий ютуқлар ушбу диссертация учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертацияда, хусусан, Ойбек, П.Шамсиев, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Ғ.Каримов, С.Долимов, Ҳ.Сулаймонов, А.Қаюмов, А.Рустамов, М.Ҳакимов, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов, Ҳ.Ҳомидов, С.Ҳасанов, Н.Раҳмонов, Н.Жабборов, Ҳ.Болтабоев, Ш.Сирожиддинов, Н.Шодмонов сингари етакчи ўзбек олимларининг адабий манбашунослик ва матншуносликка оид тадқиқотларидаги ютуқларга таянилди.

Мавзуни тадқиқ этишда қиёсий-типологик таҳлил усулига таянилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Сайид Ҳомид тўра Комёб биографиясига оид манбалар таҳлили.
2. Шоир асарлари қўлёзма манбаларининг илмий тадқиқи.
3. Комёб тарихий асарларининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Хива хонлиги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини ёритишдаги аҳамияти, салафлари асарларидан фарқли жиҳатлари.
4. “Таворих ул-хавонин” ва “Мунтахаб ул-воқеот”нинг адабий манба сифатидаги қиммати.
5. Комёб асарларининг ғоя ва мавзу кўлами, уларда муаллиф дунёқарашининг акси, тарих, замон ва келажак билан боғлиқ кечинмалар.
6. Санъаткор асарларининг ўзига хослиги ва уларда бадиий маҳорат масалалари.

Ишнинг илмий янгилиги. Сайид Ҳомид тўра Комёб ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи бор монографик ишнинг яратилганлиги тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади. Диссертациянинг илмий янгилиги яна қуйидагиларда намоён бўлган:

- бирламчи қўлёзма манбалар ҳамда архив ҳужжатлари асосида илк бор Сайид Ҳомид тўра илмий биографияси яратилгани;
- Комёб асарларининг қўлёзма нусхалари адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида таҳлил этилгани;
- шоир асарларининг матний-қиёсий тадқиқи амалга оширилгани;
- ижодкор бадиий-тарихий асарларининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Хива хонлиги ижтимоий-сиёсий, маънавий ва адабий ҳаётига оид муҳим манба эканлиги илмий асослангани;
- Комёб шеърларининг жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами, уларда муаллиф дунёқарашининг ифодаланиши масалалари ўрганилгани;
- шоир назмий асарларининг ўзига хослиги ва уларда бадиий санъатларни қўллаш маҳорати тадқиқ қилингани.
- Комёбнинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни белгилангани.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот Сайид Ҳомид тўра ибн Сайид Муҳаммадхон тўра Комёб асарларини ўрганишнинг айрим назарий муаммолари ҳал этилгани билан илмий аҳамиятга

молиқдир. Ишдаги маълумотлар ва шоир ижодиёти юзасидан билдирилган илмий умумлашмалардан олий ўқув юртларининг филология ва тарих факультетлари учун дарслик, ўқув қўлланма ва хрестоматиялар тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити, хусусан, Комёб ижоди бўйича илмий изланиш олиб боровчи мутахассислар истифода этишлари мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларига “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” фанини ўқитиш жараёнида амалиётга татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг 2009 йил 28 сентябрдаги Илмий кенгашида ҳамда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2009 йил 16 декабрдаги 9-сонли йиғилишида муҳокама этилиб тасдиқланган. Мавзу “ОАК Бюллетени” журналининг 2011 йил 1-сонидан эълон қилинган.

Тадқиқот 2010 йил 11 январидан ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида, 2011 йил 12 январидан Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ “Матншунослик, миллий уйғониш ва ҳозирги ўзбек адабиёти” кафедраси мажлисида, 2011 йил 7 ноябрда ЎзМУ ҳузуридаги Д.067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва илмий хулосалари муаллиф томонидан “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарқшунослик”, “Адабиёт кўзгуси”, “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, “Güncel sanat”, “Вестник Челябинского государственного педагогического университета” журналларида ҳамда илмий тўпламларда эълон қилинган 19 та мақола ва тезис ҳамда нашрга тайёрланган 1 та китобда ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилиш тарихи асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, методологияси ва методи, илмий янгилиги, объекти ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, жорийланиши ва таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг биринчи боби “**Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари**” деб номланади. Биринчи фасл “**Сайид Ҳомид тўра ҳаётига оид манбалар талқини**”га бағишланган. Унда шоир тўғрисидаги илк қайдлар, таълим ва тарбия олиши, ижодининг камол топиши, у яшаган давр билан боғлиқ маълумотлар таҳлил этилган. Комёб ҳақида дастлаб Муҳаммад Ризо Оғахий

“Гулшани давлат” асарида: “Яна улким, мазкур йилнинг раби ул-аввал ойининг иккисинда шанба кечаси баҳри хангомидаким, барча кечаларнинг маҳмуди ва жамиъи соатларнинг масъуди эрди”⁶, - деб хон оиласида ўғил туғилгани ҳамда Сайид Муҳаммадхон унга Сайид Ҳомид тўра деб исм қўйганини қайд этган.

Комёбнинг туғилиши “Шажараи хоразмшоҳий”да ҳам ўша йилги муҳим воқеалар қаторида эслатиб ўтилган⁷. Шоирнинг ўзи таваллуд санасини 1278 йил асад ва сафар ойлари оралиғида эди, деб кўрсатади. Демак, юқоридаги маълумотларга кўра, Сайид Ҳомид тўра 1861 йилнинг 2 сентябрида туғилган⁸. У Сайид Муҳаммадхоннинг олти ўғлидан бешинчиси. Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Сайид Аҳмад тўра, Тўрамурод тўра, Аллоҳёр тўра – акалари ва Давлатёр тўра – укаси. Бобожон Таррохнинг ёзишича, хоннинг яна Чинижон бика исмли қизи ҳам бўлган⁹.

1865 йили отасининг бевақт вафотидан сўнг Комёб етим қолади ва унинг кейинги тақдири акаси Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) билан боғланади. Акасининг ҳомийлигида Арабмуҳаммадхон мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан турли фанлар бўйича таҳсил олади. Унинг билим доираси ва дунёқарашининг ўсишида Ферузнинг давлатни бошқариш, халқ фаровонлигини ошириш, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқа қатор соҳалар юзасидан олиб борган сиёсати, шоирлар ва мусиқа билимдонлари иштирокида ўтказиб турилган адабий кечалар ҳамда мусиқа базмларида мунтазам иштирок этиши катта аҳамият касб этган.

Ўша даврда Феруз бошлаб берган анъанага кўра, йирик сармояга эга бўлган кишилар ўз ҳисобидан мадраса, масжид ёки халқ учун зарур бўлган бошқа бирор иншоот қуриб бериши расм бўлган. Комёб ҳам ана шу анъанага кўра, ҳовлисининг олдида жомеъ масжидли бир мадраса, Алоиддин хўжанинг жаворида масжид ва хонақоҳли қорихона, Ҳалимбой мавзесидаги Қиличбой тавофида бир масжид қурдирганлигини ёзади. 1916 йилда Хива мадрасалари ва хизматчилари бўйича тузилган рўйхатда Комёб қурдирган мадраса тўғрисида маълумот учрайди¹⁰.

“Таворих ул-хавонин”да Комёб оиласи ва фарзандлари бўлганлигини ёзган бўлса-да, бирор ўринда улар тўғрисида аниқ маълумот учрамади. Шоирнинг вафоти билан боғлиқ санада ҳам ноаниқлик бор. Аксар манбаларда унинг вафоти бир-бирига таянилган ҳолда 1922 йил деб кўрсатилади¹¹. Э.Мадраҳимов “Комёб” мақоласида “...Муҳаммадраҳимхон вафоти (1910 йил) Комёб руҳиятига қаттиқ

⁶ Огаҳий. Гулшани давлат. ЎзРФАШИ. 7572 рақамли қўлёзма. 236а-б-варақ.

⁷ Баёний. Шажараи хоразмшоҳий. ЎзРФАШИ. 274 рақамли қўлёзма. 431б-варақ.

⁸ Комёб. Таворих ул-хавонин. ЎзРФАШИ. 7717-қўлёзма. 191а-варақ.

⁹ Таррох Бобожон. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 42.

¹⁰ Мазкур рўйхат Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви 125-фонд 1-тавсиф рўйхати 596-йиғма жилдда сақланмоқда.

¹¹ Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 29.; Комёб. Девон.-Т.: Университет. 2002. – Б. 4.; Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари каталоги, 7-жилд. – Т.: Фан, 1964. – Б. 40.; Хоразмда битилган қўлёзмалар / Тузувчи Г.Машарипова. – Т.: Шарқшунослик институти, 1997. – Б. 16.

таъсир қилди ва оғир касалликка чалиниб, 1911 йил оламдан ўтди”¹², – деб ёзади. Ваҳоланки, 3730 рақамли қўлёзмада Комёб: “Мунтахаб ул-воқеот”ни фи санайи (ҳижрий) минг уч юз қирқ тўртинчи сиғир йили (1925-26) – моҳи раби ул-аввалнинг ўн олтисида сешанба куни эрди – тамомладим”¹³, – дейди. Бу эса, шоир бу даврда ҳали ҳаёт бўлганини билдиради. Мазкур далилга кўра, шоир вафоти санасини 1926-1930 йиллар ораллиғида, деб белгилаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Муҳаммадхоннинг ўғли ва Муҳаммад Раҳимхон – Ферузнинг иниси Комёб XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср биринчи чорағида Хивада яшаб, Феруз ҳомийлигида тарбия топган ва у асос солган адабий муҳитда ижод қилган.

Биринчи бобнинг **иккинчи фасли “Шоир асарлари қўлёзмаларининг монографик тавсифи ва манбалари”** деб номланган.

Комёбдан бизга битта шеърӣ девон, Хоразм тарихига оид “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби бадиӣ-тарихӣ асарлар ва XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар етиб келган.

У ёшлигидан Хива саройидаги шеърӣят анжуманларида иштирок этиб, шеър машқ қилиб турган бўлса-да, назмӣ ижодга ўн саккиз ёшидан жиддий киришган. Шоир девонида ғазал, қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд, рубоӣ, китъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих каби ўн етти жанрга оид 6000 мисрадан зиёд шеърӣ асарлари жамланган.

Шубҳасиз, унинг ижодида мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакилларида бўлгани каби ғазал етакчи ўринда туради. Ғазалларнинг аксари анъанавӣ 5 ва 7 байтли бўлиб, 9 ва 13 байтлилари ҳам учрайди. Маснавий жанридаги шеърлари 2 байтдан 126 байтгача ҳажмда. Комёб шеърлари асосан ўзбек тилида ёзилган. Шу билан бирга, форсча 3 та ғазал, 1 та мухаммас, 1 та фард ҳамда 1 та муламмаъси ҳам бор. Ғазаллар ичида тематик жиҳатдан бир мавзунӣ очиб беришга қаратилган яқпора ғазаллар катта қисмни ташкил этади. Девондаги шеърларнинг аксарияти анъанавӣ мавзуда.

Шоир назмӣ меросини ўзида жамлаган девоннинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақамлари билан, яна бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институти фондида В 2324 (Nov 1513)¹⁴ тартиб рақами остида сақланади. Булардан ташқари, Комёб шеърларидан намуналар Лаффасӣ тазкирасида ҳам учрайди¹⁵.

Диссертацияда Комёб асарлари қўлёзмаларининг илмӣ-монографик тавсифи амалга оширилиб, шоир девонининг матн хусусиятлари тадқиқ қилинди.

¹² Мадрахимов Э. Комёб / Хоразм ҳақиқати, 1991. 31 авг.

¹³ Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. Ўз Р ФА ШИ. 3730/II рақамли қўлёзма. 294а-варақ.

¹⁴ Қаранг: Дмитриева Л.В. Описание тюркских рукописей института Востоковедения. –М.: Наука, 1980. – С. 131-132.; Hofman H. Turkish literature a bio-bibliographical survey. Sektion III. Utrecht, 1969. – P. 18-19.

¹⁵ Ўз Р ФА Шарқшунослик институти фондидаги 2561, 9494, 11499; Ўз Р ФА Адабиёт музейи: 213 рақамли қўлёзмалар.

“Таворих ул-хавонин” – Хива хонлари тарихига бағишланган бадий-тарихий асар¹⁶. Сайид Ҳомид тўранинг қайд этишича, ушбу асарни ёзишга киришишдан аввал Муҳаммад Раҳимхонга: “...сизлар раҳнамунлиқингиз била бир девон тартиб қилдимким, агарчи ул девон гулистонидин бу орзуи мақсуднинг гули ҳосил бўлғусидур ва лекин насаб ва ҳасаб ва аҳволи саргашта ва обо ва аждод ва хешу табор баёни андин маҳсул бўлмағусидур”¹⁷, – деб Хива хонлари тарихига оид бир китоб ёзиш нияти борлигини билдиради.

Асарда Шарқ мусулмон тарихнавислиги анъанасига мувофиқ инсониятнинг яратилишидан бошлаб, изчил тарзда туркий халқлар, туркий ҳоконлар, қўнғирот уруғи, улардан чиққан ҳукмдорлар тўғрисида сўз юритилиб, ниҳоят Хоразмда ҳокимиятни қўлга олган қўнғирот иноқлари тарихини ёзишга киришилган. Асар муқаддима, беш боб ва муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи бир мақола ва хотимадан таркиб топган.

Ҳозирча “Таворих ул-хавонин”нинг учта қўлёзмаси маълум. Улар 3730/I, 7717/I ва 853/II рақамлари остида ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

3730/I рақамли қўлёзмага Комёбнинг тўртта асари киритилган бўлиб, муаллифнинг ўз дастхати билан қўчирилгани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. “Таворих ул-хавонин” матни қўлёзманинг 1а-160а-варақларидан ўрин олган. Матн қора сиёҳда настаълиқда ёзилган.

7717/I рақамли қўлёзма 1897 йили домла Рўзимухаммад томонидан Хоразмда муаллиф дастхатига асосан қўчирилган биринчи нусха бўлиб, ҳошиясида асосий матнга қўшимчалар битилган. Манбанинг хат услуби, имлоси ва биринчи нусхадаги киритмаларнинг ўз ўрнига тўғри қўйилганидан котибнинг анчагина саводли эканлиги билинади. Қўлёзма муаллиф яшаган давр ва муҳитда қўчирилганлиги боис унинг назаридан ўтган бўлиши ҳақиқатга яқин. Асосий матнга фақат муаллифгина қўшимчалар киритиши мумкинлиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Қўлёзма ҳафтранг қоғозга настаълиқда қора сиёҳ билан хуснихатда қўчирилган. Ўлчови 25х18 см. Қўлёзма 220 варақдан иборат.

853/II рақамли қўлёзма мазкур бадий-тарихий асарнинг номукаммал нусхасидир. “Таворих ул-хавонин” матни қўлёзманинг 174а-198б-варақларидан ўрин олган. Матн настаълиқ хатида қора сиёҳ билан қўчирилган. Котиби ва қўчирилган йили номаълум. Муқоваси теридан қилинган ва яхши сақланган. Ўлчови 25х18 см.

“Мунтахаб ул-воқеот” – Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи бадий-тарихий асари. Асарнинг ҳозирча маълум ягона нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 3730/II рақами билан сақланади. Матн

¹⁶ Б.Аҳмедов “Таворих ул-хавонин”ни кичик ҳажмдаги лекин, эътиборли асар эканлигини қайд қилиб, Ўз Р ФА Шарқшунослик институтидаги 7717 ва 853/II рақамли қўлёзмаларининг мавжудлиги ҳақида маълумот берган. Қаранг: Аҳмедов Б. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. – Т.: Чўлпон, 2003. – Б. 87-88.

¹⁷ Комёб. Таворих ул-хавонин. Ўз Р ФА ШИ. 7717/I рақамли қўлёзма. 116-варақ.

“Таворих ул-хавонин” асарининг ҳошиясига битилган. “Мунтахаб ул-воқеот” 1925/26 йилда ёзиб тугалланган. Асарнинг тили, воқеаларни баён қилиш услуби ҳам “Таворих ул-хавонин” сингари таъриф ва тавсифлар, бир сўзнинг кетма-кет бир нечта муқобилини қўллашга асосланилиб, назму насрда ёзилган. Унда ҳам муаллиф кўплаб ўринларда тарихий воқеалар баёнидан сўнг назмий хулосаларини ҳавола этади. Фикрларнинг аксари Қуръон оятлари ва ҳадислар билан асосланади. Шунингдек, матнга муаллифнинг турли мавзудаги шеърлари ҳам киритилган. Улар асосан қитъа, рубоий, таърих, маснавий жанрларига оид.

“Эсдаликлар”да XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Хива хонлигида рўй берган табиат ўзгаришлари, ер силкинишлари, турли хил ғаройиб ҳодисалар, самовий ҳаракатларга оид маълумотлар тўпланган. Муаллиф “Эсдаликлар”нинг ёзилиш сабаби ва санасини зикр қилмаган. Бизнингча, бу ишга у махсус киришмай, балки тарихий асарлари учун маълумотлар тўплаш жараёнида улар билан бирга, турли хил ҳодисаларга оид эшитганларини ҳам ёзиб борган кўринади. Шу боис муаллиф воқеаларни маълум тартибга солишга улгурмаган ёки қўлига тушган маълумотларни кетма-кет жойлаштириб борган.

“Эсдаликлар”нинг икки қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, улар ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида 3730/III ҳамда 7717/II тартиб рақамлари билан сақланади.

Диссертациянинг **иккинчи боби “Комёб асарларининг матний-қиёсий тадқиқи”** деб номланади. Бобнинг биринчи фаслида **“Комёб шеърятининг матний-қиёсий таҳлили”** амалга оширилган.

Комёб девон тартиб берар экан, такомилига етмаган шеърларини ҳам киритганини таъкидласа-да, кейинги иш жараёнида уни янги ёзилган шеърлар билан тўлдириб борган. Мавжудларини таҳрир қилиб, улар матнига айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритган. Албатта, бу киритмалар шоир томонидан шеърдаги поэтик фикр изчиллиги ва бадийликни таъминлаш учун амалга оширилган.

Шоир девони қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш натижалари кейинги кўчирилган нусхаларда дастхат вариантыдагидан ташқари баъзи бир байтлар, мисралар таҳрир қилинганини, айрим сўзлар муқобили билан алмаштирилганини кўрсатади. Чунончи, 3730 рақамли қўлёзмадаги бир қанча шеърлар девон тартиб берилгандан кейин битилган ва ҳошиядан ўрин олган. Булардан ташқари, ушбу нусхага қирмай қолган бешта ғазалнинг 1005 рақамли қўлёзмадан ўрин олганлиги ва битта ғазалнинг эса Лаффасий тазкирасига кирганлиги девон тартиб бергандан кейин ҳам шоир ижод билан муттасил шуғулланганидан дарак беради. Яъни шоир янги асарлар яратган, мавжудларини таҳрир қилиб, такомилига етказган. Айни чоғда таянч нусха тартиб берилган санага яқин бўлган даврда кўчирилган бўлишига қарамай, 1005 рақамли қўлёзмада ҳам баъзи шеърлар мавжуд эмас.

“Икки шўх” радифли ғазалнинг 3730 рақамли қўлёзмадаги учинчи ва бешинчи байтлари кейин кўчирилган нусхаларда ўрни алмашган. Бунинг сабаби,

3730 рақамли қўлёзмадаги матнда лирик қаҳрамоннинг икки шўхни кўриш иштиёқи ва уларнинг етказаётган жабру ситами тасвирида поэтик фикр тадрижийлиги тақомилига етмаган. Кейинги таҳрирда эса бу изчиллик таъминланган. Булардан ташқари, бир нечта ғазалнинг айрим байтлари муаллиф бадиий ниятидан келиб чиқиб таҳрир қилинган.

Чунончи, 3730 рақамли қўлёзмада “Иброҳим” номига ёзилган муаммо матни мана бундай:

Муаммонинг биринчи мисраси 1005 рақамли қўлёзмада ҳам дастлаб тарзида ёзилиб, кейин сўзининг ўрнига хошияда деб муаллиф томонидан тузатиш киритилган ва бу вариант тўғридир. Чунки, муаммода исм яширилган бўлиб, иккинчи тузатилган вариантдаги сўз муаммо жанри талабларига мос тарзда исмнинг топилишига ишора вазифасини ҳам бажариб келган. Шунингдек, мазкур таҳрир натижасида иккинчи ва биринчи мисрадаги фикр мантикий боғланишга эга бўлган. Зеро, муаммо маъшуқа тилидан айтилган бўлиб, у нотаниш йигитнинг исмини унинг ўзидан эмас, балки “оҳининг булути”, яъни “абри оҳи”дан билиб олишга умид қилмоқда. Агар бу ўринда биринчи вариант қўлланганда, исмнинг топилишида чалкашлик юзага келган бўлар эди.

3730 рақамли қўлёзма дебочасидан кейин келган биринчи маснавийнинг 35-байти биринчи мисрасида (“Бу сўзни дебон аҳли суҳанвар”) “суҳанвар” сўзи 1005 рақамли қўлёзмада “суҳансанж” тарзида, иккинчи мисрада (“Ёритибдур ҳикоят ичра аксар”) “аксар” сўзи “кўб ганж” шаклида таҳрир қилинган. Таъкидлаш керакки, бу таҳрирлар шеър матнининг сайқал топишига, мукаммаллашувига хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, девоннинг муаллиф дастхатига тегишли нусхаси ва кейинги кўчирилган қўлёзмалардаги фарқлар шундан далолат берадики, шоир девон тартиб бергандан сўнг ҳам ижоддан тўхтамаган. У девонни янги шеърлар билан бойитган, айрим асарларини таҳрир қилиб, тақомилига етказишга ҳаракат қилган. Ана шундай таҳрирга учраган ёки кейинчалик ёзилган шеърларнинг баъзилари девоннинг бошқа нусхаларидан ҳам ўрин олган. Бу эса, шоир шеърларининг қиёсий ўрганилиши матн таҳрири юзасидан муҳим хулосаларга асос бўлишини кўрсатади. Диссертацияда бу масала аниқ мисоллар таҳлили асосида анча муфассал ўрганилди.

“Комёбнинг бадиий-тарихий асарлари матний тадқиқи”, деб номланган иккинчи фаслда дастлаб “Таворих ул-хавонин” таҳлил этилди.

Комёб “Таворих ул-хавонин”ни яратишда Мунис ва Оғаҳийнинг бадиий-тарихий асарлари тажрибасидан самарали фойдаланган. Муаллиф муайян давр воқеаларини ёритишда салафлари асарларидаги тарихий воқеалар баёнидан фойдаланган бўлса ҳам, уларни тўлиқ келтирмай, фақат асосий мазмунини бериш, зарур ҳолларда мавжуд назмий мисраларни олиш билан

кифояланган. Ўзаро қиёсий таҳлил шундан далолат берадики, кўп ҳолларда “Таворих ул-хавонин” мундарижаси салафлари асарлари мундарижасини такрорлайди. Шунингдек, бу таъсир асар тили ва баён услубида ҳам сезилади.

“Таворих ул-хавонин” беш бобдан таркиб топган: I боб – Одам атодан Нух а.с.гача; II боб – Ёфасдан қўнғирот уруғи ҳукмдорлигигача; III боб – Қурлос авлодидан подшоҳлик мартабасига етганлар; IV боб – қўнғирот подшоҳлари ва авлодлари; V боб – Муҳаммад Амин иноқнинг авлодларидан Хоразм мамлакатада подшоҳлик қилганларнинг зикри ва хотима. Мундарижаданок, салафлари асарларининг мазмуни айрим жиҳатлари билан такрорланиши кўринади. Асарнинг биринчи-бешинчи боблари “йиғма” (бошқа тарихий асарлардаги воқеалар баёни саралаб олинган) характерга эга. Шу билан бирга, бешинчи бобда Комёб “Риёз уд-давла”, “Зубдат ут-таворих”, “Жомеъ ул-воқеоти султоний” сингари ҳар бири битта ҳукмдор фаолиятини ёритишга қаратилган асарларнинг асосий мазмунини бериб ўтган. Масалан, “Риёз уд-давла”да 1825 – 1842 йилларда ҳукмронлик қилган Оллоҳқулихон салтанати воқеалари кенг ёритилган бўлса¹⁸, “Таворих ул-хавонин”да мазкур хон фаолиятига уч-тўрт саҳифа ҳажмида умумий баҳо берилган. Худди шунингдек, Рухимқулихон ҳукмронлиги даври юзасидан ҳам қисқача экскурс билан чекланилган.

Феруз даврини ёритишда Комёб Огаҳийнинг “Шоҳид ул-иқбол”, Баёнийнинг “Шажараи хоразмшоҳий” каби асарларидаги маълумотлардан унумли истифода этган. Асарнинг энг қимматли қисми – муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи бир мақола ва хотима қисмларидир. “Таворих ул хавонин” ана шу жиҳати билан Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол”ида амалга оширилмаган қисмни ёдга солади. Маълумки, “Фирдавс ул-иқбол”да Элтузархон даври олимлари, шоир ва рассомлари, ўша даврнинг кўзга кўринган кишилари ҳақида маълумот бериш мақсад қилинган, бироқ муайян сабабларга кўра бу иш ўз якунига етмаган.

Асарнинг хотимасида хон оиласи аъзоларининг ҳаёти, хонликнинг рус қўшинлари томонидан босиб олиниши, шунингдек, ўша давр шайхларининг давлат бошқарувига таъсири, кароматлари, мавжуд тасаввуфий тариқатлар, сулук одоби қоидалари каби масалаларга доир қимматли маълумотлар берилган.

“Таворих ул-хавонин”нинг 3730/I рақамли қўлёзмаси майда хат билан кўчирилган ва кейинчалик муаллиф томонидан айрим ҳолларда воқеа тафсилотини мукаммаллаштириш, баъзан эса тасвири бўрттириш учун сўз, жумла ёки бирор абзац даражасида киритмалар қўшилган. Бундай киритмалар айрим варақлар ҳошиясида зич ва кетма-кет келгани боис уларни керакли ўринга жойлаштириш маълум даражада мураккаблик туғдиради. Уларни ўз ўрнига қўйиш учун котиб мазкур воқеадан хабардор бўлиши ёки қўлёзмани муаллиф иштирокида кўчириши тақозо этилади. Шу боис қўлёзмада бундай киритмалар 7717 рақамли қўлёзмада тушириб қолдирилган. Таъкидлаш керакки, бундай

¹⁸ Қаранг: Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Т.: Фан, 1960. – Б. 38-52.

ўзгартириш кўпинча матн моҳиятига жиддий зарар етказмаган. Лекин баъзи тушириб қолдирилган ўринлар воқеалар баёнига бевосита алоқадор фактлар бўлгани боис асарнинг илмий қиммати пасайишига олиб келган. Ана шу сабабли уларнинг баъзилари котиб, баъзилари муаллиф дастхати билан тўлдирилган.

7717 рақамли қўлёзманинг 43б-варағидаги Таним Кўргоннинг зикри фаслида, қуйидаги “Олти юз ўтуз учда ҳам, дебдурлар, жаҳони фонийдин олами боқийга азимат кадамин қўйғоч, муборизот кўргузуб, интиқол карнайин чертиб, рихлат отиға суворий бўлуб, ато ва бобосининг ёниға бормоқни” жумласидан сўнг аввал “ор-номус ила” сўз бирикмаси, ундан кейин “тарк этиб” жумласи ва ундан сўнг “ташлаб” сўзи келтирилган. “Авлоди учун бошқа бир роҳи омма бошлаб” сўзларидан сўнг қуйидаги

жумласи тушириб қолдирилгани учун 3730 рақамли қўлёзманинг 37а-бети ҳошиясидаги киритмалар асосида тўлдирилган. Ишда, шунингдек, “Таворих ул-хавонин”да истифода этилган Мунис, Огаҳий, Яъқубхўжа девон Холис, Мунший каби муаллифларнинг турли мавзудаги асарлари матнидаги фарқлар муқояса асосида кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Таворих ул-хавонин”га кирган турли муаллифлар асарларидан олинган парчалар матн тадқиқи учун эътиборга молик хулосалар чиқаришга асос бўла олади.

“Мунтахаб ул-воқеот” уч боб ва хотимадан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нух алайҳиссалом авлодигача бўлган давр воқелиги хусусида сўз юритилади. Иккинчи бобда Ёфасдан қўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Муаллиф унда Турк наслининг пайдо бўлиши ва уруғлари хусусида маълумотлар беради. Жумладан, қиёт, қипчоқ, қангли уруғларининг келиб чиқиши, уларнинг этник ўзига хослиги хусусида сўз юритар экан, бу мавзуга оид батафсил маълумотлар мавжуд бўлган манбаларни ҳам айтиб ўтади. Ушбу бобда “Таворих ул-хавонин”даги каби асосий диққат-эътибор қўнғирот уруғининг генезиси, унинг тармоқлари, бу номнинг келиб чиқиш тарихи, мазмуни сингари масалаларни ёритишга қаратилган.

Учинчи боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл Элтузархоннинг Хоразмда хонликни эгаллаши ва ҳукмронлик даври баёнини ўз ичига олса, иккинчи фаслда турли даврларда яшаган таниқли кишилар ҳаётига оид қайдлар, улардан чиқарилган хулосалар Комёб ва бошқа муаллифларнинг ранг-баранг мавзуга оид шеър ҳамда турли хабарлари асосида ифодаланади. Бу боб Сайид Муҳаммадхоннинг вафоти воқеаси баёни билан якунига етган. Шу билан бирга, мазкур фаслда муаллиф ота-боболарининг шажараси хусусидаги маълумотларни ҳам ҳавола этган.

Асарга муқаддима ёзилмаган. Сабаби, муаллиф унинг муқаддима қисмини ҳам “Таворих ул-хавонин”га ўхшашлигини назарда тутган. Комёб бу асарда ҳам тасвирланган тарихий воқеаларни изоҳлаш, улар баёнининг таъсирчанлигини таъминлаш, насрий матнни тўлдириш мақсадида турли шоирлар ижодидан

шеърӣй парчалар келтирган. Огаҳийнинг Сайид Муҳаммадхон вафоти муносабати билан ёзилган ўн беш банддан иборат марсия-мусаддаси шулар жумласидандир. Ушбу марсия-мусаддас “Таъвиз ул-ошиқин”нинг Ф.Ғанихўжаев томонидан тузилган илмий-танқидий матнидан ўрин олмай қолган. Мусаддас Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асарида ҳам мавжуд бўлиб, Комёб асаридаги матни билан қиёсланганда айрим тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Бу матний фарқлар диссертация иловасида кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Ҳомид тўранинг “Мунтахаб ул-воқеот” асари ҳам бадиий-тарихий усулда ёзилган. Берилган тарихий маълумотлар, улар юзасидан муаллиф томонидан билдирилган хулосалар, ўша давр адабиёти, адабий муҳити, муаллиф дунёқараши, шунингдек, тарихнависликнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **учинчи боби “Комёб асарларининг мавзу кўлами ва бадиияти”** деб номланади. Биринчи фаслда **“Шоир асарларининг мавзу кўлами”** тадқиқ қилинган.

Комёб асарларида қаламга олинган мавзулар доираси тадқиқ этилганда, улар орасида XIX аср охири – XX аср бошларида ижод қилган Аваз Ўтар, Доъий каби Хива шоирлари ижодида бўлгани сингари замон билан ҳамнафаслик, воқеликни танқиднинг ўткир тиғи остига олиш руҳидаги байтлар учрамайди. Комёб шеърларида кўпроқ анъанавий мавзулар куйланган. Шоир асарларида қаламга олинган мавзулар мундарижасини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Диний-маърифий; 2. Ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий; 3. Тасаввуфий; 4. Ишқ-муҳаббат; 5. Табиат ва фасллар тасвири.

Шоирнинг диний-маърифий мавзудаги асарларини ҳамд, наът ва диний аҳкомларга муносабат билдирувчи шеърлар гуруҳига бўлиш мумкин. Ҳамдларда Тангрининг буюклиги, унинг сифатлари мадҳ этилади. Тарихий асарларида ижодкор мавзунини ҳаётининг қарама-қаршиликлар асосида ифодалашга ҳаракат қилади. “Эсдалиқлар”да Аллоҳнинг яратувчилиги ва қудрати, Раззоқ экани ва инсоннинг ожизлиги табиат ҳодисалари манзарасида ёрқин тасвирланади. Мисол учун, дебочада басмаладан кейин қуйидагича ҳамдала берилган: “Ҳамд ул Холиқи куллу шайъ ва Розиқи куллу ҳайғаким, исму сифоти Раҳмон-р-Раҳиму Ғаффору-л-Кариму Қодиру-л-Жаббору-л-Яктову воҳибу-л-атоёдур. Баъзиға Раҳмон-р-Раҳиму Ғаффору-л-Карим сифоти бепоён ва баъзиға Қодиру-л-Жаббору-л-Якто сифоти фаровондур, ул Худойеға ҳамди фаровон ва ситойиши бепоён сазовордурким, Одамни офтоби вужудин адам манзилгоҳидин жаҳон корхонаси арсасиға чикорди”.

Ҳамдаладаги ушбу сўзларда, академик Алибек Рустамий улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижоди мисолида кўрсатиб ўтгани каби, барча жонли ва жонсиз нарсалар азалдан мавжуд бўлмай, улар Аллоҳ томонидан яратилганлигига ишора қилинмоқда¹⁹. Шу сабабли, унда, энг аввало, борлиқнинг ибтидоси хусусида сўз

¹⁹ Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: Маънавият, 2003. – Б 65.

юритилади. “Розиқи куллу хай” жумласи замирида эса, ҳар қандай тирик махлуқотнинг ризқини таъмин этувчи Парвардигор экани ифодаланган.

3.Ғаффорова наът шеърларни васф, меърожнома ва шафоат турларига ажратади²⁰. Сайид Ҳомид тўра асарларида Муҳаммад (С.А.В)нинг комиллик сифатларини очиб бериш учун анъанавий васф, меърожнома, ундан мадад истаб ёзилган муножот ҳамда шафоат билан бирга, ул зотнинг уммати эканлигидан фахрланиш руҳи билан йўғрилган фахрия наътлар ҳам учрайди. Шу билан бирга шоирнинг дин моҳияти, унинг арконларига муносабатини кўрсатувчи байтлари ҳам мавжуд. Ишда шоирнинг шундай мазмундаги шеърлари аниқ мисоллар асосида атрофлича таҳлил қилинган.

Ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърларда Комёбнинг давлатни адолат билан бошқаришга доир қарашлари ўзига хос бадиий талқин этилган. Унингча, ҳар қандай давлатда адолат меъёрлари бузилса, унинг пойдеворига зарар етади ва фуқаронинг норозилигига сабаб бўлади. Шу боис у адолат масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Шоир давлат сиёсатида адолатнинг устувор бўлиши ижтимоий тенгликни таъминловчи омил деб ҳисоблайди. “Мунтахаб ул-воқеот”да Сайид Муҳаммадхон вафотидан кейин тахтга ўтирган Муҳаммад Раҳимхонга салтанатни бошқаришда маъмурлик ва адолат мезонига амал қилиши зарурлиги уқтирилган. Чунончи, “...Нединким, ҳар мамлакатда подшоҳи аъзамнинг маъмур сиёсати бўлмаса, мулк бунёди хароб, хароси маъдалати бўлмаса, фуқаро иши изтирор ва изтироб бўлғай”²¹, деган сўзлари ижодкорнинг ана шу қарашлари асосини белгилайди.

Шоирнинг адолат мавзуси билан боғлиқ фикрлари “Таворих ул-хавонин”нинг иккинчи бобида кенгрок баён этилган. Комёб ўтмишдаги туркий ҳукмдорлар, уларнинг фаолияти, давлатчилиги тарихи тўғрисида маълумот берар экан, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, ўша жиҳатлар давлат тараққиёти ва узоқ яшашнинг бош омилли бўлганлигига урғу беради. Шоир Ёфас ўғли Туркнинг вафоти тўғрисида ёзар экан, қуйидаги мисраларни келтиради:

Чун Турк жаҳонда сурди хонлиғ,

Адли бирла даҳр бўлди маъмур.

Комёбнинг фикрича, давлатни бошқаришда ҳукмдор доимо хушёр, барча жараёнлардан огоҳ бўлиши зарур. У бу қарашларни “Мунтахаб ул-воқеот”да бир муддат Қўнғиротни эгаллаб, уни Хивадан ажратиб олган Тўрамурад сўфининг фаолияти билан боғлаб кўрсатишга ҳаракат қилган. Асарда ёзилишича, сўфи шаҳарни қўлга олгандан сўнг хушёрликни йўқотади, айшу ишратга берилади ва оқибатда мағлубиятга учрайди: “Тўрамурад сўфи фоҳиша била базм тузуб, ғафлат жомидин сармаст эди. Назм:

Амиреким, бўлур сармасти ғафлат,

Қилур ондин видоъ иқболи давлат.

²⁰ Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 62.

²¹ Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. Ўз Р. ФА ШИ. 3730/II рақамли қўлёзма. За-варақ.

Бориб аъдосиға мулку диёри,
Ўлур ёхуд бўлур ҳар ён фирори²².

Шарқ адабиёти анъаналарига қатъий амал қилган шоир акаси Муҳаммад Раҳимхонга адолат билан сиёсат юритмоқ кераклиги тўғрисидаги фикрларини асарларининг турли ўринларида бевосита ва билвосита ишоралар орқали ўзига хос бадиият билан ифодалайди. Лекин унинг бирор асарида хонни тўғридан тўғри ёки рамзий сўзлар орқали ноҳақликда айблагани кўзга ташланмайди.

Сайид Ҳомид тўранинг ахлоқий мавзудаги асарларида умрнинг ўткинчи, бу дунёдаги айш-ишратларнинг вақтинчалигини эслатиш, уларни деб боқий дунё тадоригини ёддан чиқармасликка даъват, нафс тарбияси, у билан курашишга чорлов мотивлари ҳам етакчи ўринда туради. Жумладан, унинг “Шукрилиллоҳ, тушима кирган чоғи бўлдим чу шод” мисраси билан бошланадиган ғазалида лирик қаҳрамоннинг тушига севгилиси кирганлиги, гўё тушида у билан тонггача айшу ишрат, базм қилганлиги тасвирланади ва мақтаёда:

Уйқудин бедор бўлгач, топмадим ул ҳурни,

Комёб, тушинг бу дунёдир, анго йўқ эътимод, -

деган хулосага келади. Шоир бу билан тушида кўргандек саробга айланадиган бу дунёнинг ўткинчи шодликларига кўнгил боғлаб қолиш тўғри эмас, деб улар ҳақиқий дунё фароғати олдида ҳеч нарсага арзимаслигини гўзал бадиий шаклда ифодалайди.

Сайид Ҳомид тўра асарларида яхши хулқ ва фазилатлар қадрланади. Муаллиф шундай фазилат эгалари ҳақида сўз юритар экан, улар образини ёрқин очиб беришга уринади. Айни чоғда муайян образга баҳо беришда объектив нуқтаи назарда туради. Чунончи, “Мунтахаб ут-таворих”да Исмоил мирохўр деган шахс ҳақида: “Исмоил мирохўр агарчи хиёнаткор ва қомати ниҳоятсиз гирдаст эрди, аммо чобукликда ғоятсиз эрди”, - деб, бир сафарда ботқоққа ботиб кетиши муқаррар бўлиб турган шериги ва отини шижоат кўрсатиб қутқариб қолганлигини таъсирчан ҳикоя қилади. Гарчи унинг ёмон хислатлари бўлса ҳам, қийин вазиятда шеригини қутқариб қолганлиги учун олқишлайди. Йўлга чиққан ҳар қандай йўловчининг мирохўр сингари жасур ҳамроҳи бўлишини тилайди ва қуйидаги байт билан фикрини поэтик шаклда асослайди:

Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок,

Онга йўл офатидин йўқтур бок²³.

Диссертацияда шоир қаламига мансуб тасаввуфий шеърларнинг салафлар ижоди билан муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатлари, рамзий маънода қўлланган истилоҳлар ҳам таҳлил қилиниб, зарур умумлашмалар чиқарилган.

Комёб шеъриятида ишқ-муҳаббат мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Шоир лирикаси эҳтиросли, ҳис-ҳаяжонга тўла. Ундаги ҳижрон азоби, висолнинг тотли лаҳзалари, маъшуқа билан суҳбат сингари ишқий кечинмалар билан боғлиқ ҳолатлар баёни китобхоннинг завқини оширишга, латиф туйғуларини

²² Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. Ўз Р ФА ШИ. 3730/II рақамли қўлёзма. 182а-варақ.

²³ Комёб. Мунтахаб ул-воқеот. Ўз Р ФА ШИ. 3730/II рақамли қўлёзма. 271б-варақ.

жонлантиришга қаратилган.

Сайид Ҳомид тўра шеърларида салафлари анъанасини давом эттириб, маъшуканинг хусну жамолда тенгсизлиги, шунинг баробарида бевафоу золимлиги, ошиқнинг эса, барча жабру ситамларга бардошли ва жафокаш эканлигини ўта муболағали бўёқлар билан ўзига хос тарзда тасвирлайди. Комёбнинг ишқий мавзуда ёзилган асарларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларда шоир маҳбубанинг васлига ета олмасдан жабру ситамларни тортиб юраверишни ҳамиша ҳам маъқул кўрмай, ўз севгилисига етишмоқ учун интилиш, курашиш лозимлигини мана бу тарзда ифодалайди:

Ошиқнинг бўлса уёти, ошиқ ўлғондин на ҳаз,

Васлиға етмай саботи, бўлса жонондин на ҳаз.

Табиат ва фасллар тасвири Комёб шеъриятида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хива шоирлари баҳор фасли тасвирига алоҳида аҳамият қаратганлар. Мунис назмий асарлари бу жиҳатдан, айниқса, қимматлидир. Огаҳийнинг Наврўз байрами, баҳорга бағишланган учта ғазали бор. Бу ғазалларда баҳор фаслидан қувониш, ундан янгича тароват ва гўзалликни ҳис қилиш туйғулари акс эттирилган. Халқнинг Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан кутиши, бу фаслда висолга эришиш бахтидан ошиқлар руҳиятидаги кўтаринкилик ҳолатлари баён қилинади. Шунингдек, Наврўз кунларида бўладиган халқ ўйинлари, баҳорга зўрға етишган ва ундан баҳра олишга имконияти йўқ халқнинг ҳаёт тарзи ҳам бадиий ифодаланган.

Хоразм шоирларининг кейинги авлодига мансуб ижодкорлар томонидан ҳам баҳор мавсумига бағишланган шеърлар туркуми яратилган. Фикримизча, бундай шеърлар Наврўз кунлари Феруз ташкил қилган анжуманларда мусобақа тарзида ёзилган. Тадқиқотда Тўрамурод тўра Муродий, Исфандиёрхон – Фаррух, Сайид Носир тўра – Султоний, Табибий, Оқил сингари қаламкашларнинг мазкур мавзуга оид асарлари Комёб шеърлари билан муқояса этилган. Диссертацияда Хива шоирларининг қиш мавзуидаги асарлари таҳлилига алоҳида ўрин берилиб, Комёб асарлари билан қиёсий ўрганилган, шоир ижодининг ўзига хослиги ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Комёб табиат манзараси, у билан боғлиқ кечинмаларни тасвирлаш баробарида, ижтимоий маъно, жамият, кишилар ҳаёти ва дунёқарашига алоқадор ҳолатларни ҳам қаламга олган. Шоир ва унинг замондошлари лирик асарларида пейзаж билан боғлиқ тасвирлар маҳорат билан қўлланиб, улар персонажлар ҳис-туйғуларини очиқ беришга хизмат қилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Комёбнинг бадиий маҳорати”** деб аталган. Шоир асарларида мумтоз шеърият вакилларида кузатилгани каби ўз қаҳрамонларининг ҳижрон йўлида чекаётган дарду аламлари, руҳий ҳолатларини тасвирлашда муболаға, ташбих, тамсил, муқобала, киноя, тажнис, ийҳом, таносуб, иштиқоқ, тазод сингари бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган.

Ташхис санъатига функционал жиҳатдан яқин бўлган **интоқ** санъати ҳам Комёб асарларида кўп қўлланган. “Интоқ (нутқ билан боғлиқ) – нутқсиз нарсаларни нутқ эгаси сифатида тасвирлаш” экани маълум²⁴. “Мунтахаб ул-воқеот”даги 82 байтдан иборат “Ҳикояти манзума” тўлиғича интоқ санъати асосига қурилган. Унда кўнгил, ақл ва ҳуш образларининг нутқи шеърнинг таъсир кучини ва бадиий жозибасини оширишга хизмат қилган.

Интоқ санъатининг моҳиятида жонли ва жонсиз нарсаларни гапиртириш ётса-да, бу усул аслида образлилик яратувчи фаол бадиий воситадир. Зеро, шеърининг жони – образлилик. Дарҳақиқат, табиатдаги ҳар қандай нарса-ҳодисани шу усул орқали шахслантириш шеърнинг бадииятини таъминлайди.

Диссертацияда, бундан ташқари, Комёб қўллаган талмех, ирсоли масал, муқобала, ташхис, саволу жавоб сингари маънавий санъатларга мисоллар келтирилиб, уларнинг шоир бадиий маҳоратини таъминлашдаги аҳамияти тадқиқ қилинди.

Шоир шеърини маҳоратини намойиш этишда лафзий санъатлардан тажнис санъатига кўп бор мурожаат этган. Тажниси томм иштирок этган байтларга девонда тез-тез дуч келамиз. Қуйидаги байт бунинг исботидир:

Билак, тирсагию ҳам ёди бормоқ,

Башоратдур навоҳий ҳажра бормоқ.

Бу ерда “бормоқ” сўздан тажниси томм ясалган. “Бормоқ” биринчи мисрада қўлнинг бармоғи маъносида бўлса, иккинчи мисрада “бормоқ” феълини ифодалаган.

Шунингдек, ишда шоир қўллаган тарду акс, иштиқоқ, раддул матлаъ сингари санъатларга мисоллар келтирилиб, уларнинг асар бадииятини юксалтиришдаги ўрни атрофлича тадқиқ қилинди.

Комёб асарларида ҳарфий санъатларни қўллашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унинг девонидаги “Бу кеча ҳусниға боқиб...” деб бошланадиган мухаммаснинг олтинчи банди қуйидагича:

Айш этиб маҳбуб ила доим шакарханд айлагил,

Боқибон маҳв айлаб, ўзни лаҳза хурсанд айлагил,

Маҳв аёғин йўқ этиб, мадни онго банд айлагил,

Ҳам яна Мино аёғин бошға пайванд айлагил,

Бу сифат келсанг топарсан исми жонон, эй кўнгул!

Ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи мисраларида исм яширинган бўлиб, у мана бундай ҳосил қилинади. Дастлаб “Маҳв аёғин йўқ этиб” ишорасига кўра, сўзининг “оёғи”, яъни охириги ҳарфи бўлган исқот санъатига асосан йўқ қилинади. Ундан қолади. Кейин “мадни онго банд айлагил” ишораси билан қолган бирикмага қўшилса – банд айланса, сўзи чиқади. Тўртинчи мисрадаги “Мино аёғин бошға пайванд айлагил” ишораларига кўра, сўзининг

²⁴ Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 212.

охирги ҳарфи – “аёғи”ни қалб санъати асосида олдинга ўтказиб, яъни бошига пайванд қилсак, бўлади. Жами “исми жонон” - келиб чиқади²⁵.

Бу шеърда муаммо жанри унсурлари мавжуд. Яъни муаммо жанрига хос исқот, таҳрик ва таскин, қалб санъатлари иштирок этиб, охирги мисрада исм чиқариш кераклиги айтилган. Аммо жанр талабига кўра исмга ишора йўқ. Шу боис уни муаммо шеър деб бўлмайди. Уни муаммо унсурлари иштирок этган санъат сифатида баҳолаш мумкин.

Шоир ўз ижодида мумтоз адабиётда кам қўлланиладиган шеърий санъатлардан ҳам унумли фойдаланганлигини қайд этиш лозим. Санъаткор доира шаклига бир-бирини кесиб ўтувчи ёйларни жойлаштиради ва уларнинг ичига шеър матнини ёзади. Ушбу санъат муъаққад деб аталади. Диссертацияда муъаққадга Шамс Қайс Розий ҳамда Атоуллоҳ Хусайнийлар томонидан берилган таъриф асосида шоир шеъриятдан мисоллар таҳлил этилди.

Навоийнинг муаммо жанридаги шеърлари туркий тилда бу жанрда яратилган асарларнинг юксак намунаси ҳисобланади. Туркий адабиёт тарихида шоирларнинг алоҳида ёзилган муаммоларидан ташқари ғазал, қасида ва дostonлар таркибига кирган намуналари Навоий ижодидагина учрайди. Шоир уларни жанр қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда асар руҳига сингдириб юбориб, муаммонинг туркий тилдаги гўзал кўринишларини ярата олган.

Диссертацияда “Муҳаммад Раҳимхон” номи яширилган муаммо-қасидада қўлланган салх санъати ҳам таҳлил этилган. Ушбу санъатнинг моҳияти ва Оғаҳий, Феруз ва Фаррухнинг ушбу санъат асосида яратилган асарлари Комёб шеърлари билан қиёсий ўрганилди. Шунингдек, шоирнинг чистонлари таҳлил этилиб, уларда иштирок этган муаммо жанри унсурлари тадқиқ қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Ҳомид тўра Комёб Шарқ шеърияти даҳоларининг асарларини кунт билан ўрганган. Уларнинг асарларидаги илғор ғоя, услуб, шеърий жанр ва бадиий санъатларни ўз шеърларига олиб киришга ҳаракат қилган. Ўз навбатида, анъанавий ғоя, услуб, образ, шеърий жанрларни янгича талқин ва тасвирий воситалар билан бойитган.

Диссертация юзасидан қуйидаги **хулосаларни** билдириш мумкин:

1. Сайид Ҳомид тўра ибн Сайид Муҳаммадхон тўра Комёб Хива хонлари сулоласига мансуб ижодкорлардан. Унинг шоир ва муаррих сифатида қолдирган асарлари Феруз даври адабиёти ва тарихнавислигини ўрганишда муносиб ўрин тутади. У 1862-1926/30 йиллар оралиғида Хивада Феруз раҳнамолигида яшаб ижод қилган. Ундан шеърий девон, иккита тарихий асар ва эсдаликлар етиб келган.

2. Шоирнинг назмий меросини ўзида жамлаган девоннинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақамлари билан, шунингдек, бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институти фондида В 2324 (Nov 1513) тартиб рақами

²⁵ Ушбу санъат қўлланган шеърни Феруз девонида ҳам учратамиз. Қаранг: Феруз Муҳаммад Раҳим. Элга шоҳу ишққа қул. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 135.

остида сақланади. Уларни қиёсий ўрганиш 2627 рақамли қўлёзманинг шоир дастхати асосида кўчирилган таянч нусха эканини кўрсатади.

3. Комёб девонига ғазал, қасида, маснавий, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиббанд, рубоий, китъа, туюқ, муаммо, чистон, фард, таърих сингари 17 жанрдаги 6000 мисрадан зиёд шеърлари кирган. Бу эса, шоирнинг мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида асарлар яратганидан далолат беради.

4. “Таворих ул-хавонин” асарининг учта қўлёзма нусхаси маълум. Улар 3730/I, 7717 ва 853/III рақамлари остида ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда. Асар беш бобдан иборат бўлиб, сўнгги – бешинчи боби ўзига хос ва қимматли маълумотларни жамлаган. Унга Хива хонлигининг XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбек хонликлари, қўшни Афғонистон, Эрон сингари давлатлар билан олиб борган дипломатик, иқтисодий алоқаларига доир ҳамда хонликнинг Россия томонидан истило қилинишига оид муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган воқеалар бадиий талқин этилган. Шунингдек, мазкур бобда, хонликда мавжуд турли хил тасаввуфий тариқатлар, уларнинг пирлари, тасаввуф одоб-ахлоқи, пир ва мурид муносабатлари, сўфийлар ҳаётига оид қимматли маълумотлар берилган. Булардан ташқари, шайхларнинг давлат сиёсатида тутган ўрни хусусида ҳам муҳим қайдлар келтириб ўтилган. Ўз навбатида, асар адабиётшунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назардан ҳам маълум аҳамиятга моликдир. Унда муаллифнинг турли жанрдаги асарлари билан биргаликда бошқа қаламкашларнинг ижод намуналари ҳам берилган.

5. “Мунтахаб ул-воқеот” – Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи тарихий асари. Унинг бизга маълум ягона қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 3730/II рақами билан сақланади. “Мунтахаб ул-воқеот” турли тарихий воқеалардан саралаб тузилган асар бўлиб, уч бобдан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нух алайҳиссаломгача, иккинчи бобда Ёфасдан қўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Учинчи боб икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фасл Элтузархоннинг Хоразмда хонлиқни эгаллаши ва ҳукмронлик даврини ўз ичига олса, иккинчи фасл турли даврларда яшаган таниқли кишиларнинг ҳаётига оид қайдлар, улардан чиқарилган хулосалардан иборат.

Асар туркий халқлар тарихи, ўтмишига оид этнографик ва фольклор материалларига бойлиги билан ҳам қимматлидир. Ундаги материаллар туркий элатларнинг пайдо бўлиши, номланиши, тарқалишига оид маълумотларни таққослаш, тарихнавислик ва XX аср бошлари ўзбек насрий асарлари тили, лексик қатламини текшириш, бошқа давр муаллифларининг асарлари билан қиёсий ўрганишда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

6. Комёбнинг “Эсдаликлар”и ҳажман кичик бўлишига қарамай, шоирнинг атроф оламдаги табиат ҳодисаларига муносабати, олам ва одам ҳақидаги билимлари, ўша давр кишиларининг эътиқоди ва дунёқарашини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. “Эсдаликлар”да муаллиф табиат ўзгаришлари борасида

ёзар экан, уларни бошқариб турувчи илохий кучнинг мавжудлиги хусусида мушоҳада юритади.

7. Шоир асарларида кўпроқ мумтоз адабиётда анъанага айланган диний-маърифий, ахлокий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий, тасаввуфий, ишқ-муҳаббат, табиат ва фасллар тасвирига оид мавзулар ҳам қаламга олинади. Бу мавзулар чуқур мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида қаламга олинади.

8. Ижодкор асарларининг қимматини белгиловчи омиллардан яна бири унинг шеърларида хилма-хил бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилганидир. Шоир шеърларида муболаға, ташбих, интоқ, тамсил, муқобала, киноя, тажнис, ийҳом, таносуб, иштиқоқ, тазод сингари санъатлар кўпроқ учрайди. Бу санъатлар Комёб асарларининг таъсир кучини, бадииятини оширишга хизмат қилган. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, шоир асарларининг барчаси ғоявий ҳамда бадиий жиҳатдан бирдек юқори даражада, деб бўлмайди. У девонга ижодининг илк маҳсуллари ҳам ўзгаришсиз киритганлиги боис, баъзан шеърларида мавзу ёки шеърини санъатлар мутаносиблиги борасида такомилга етмаган мисралар ҳам учрайди.

9. Сайид Ҳомид тўра ибн Сайид Муҳаммадхон тўра – Комёб асарларида у яшаган давр руҳи теран ифодаланган. Ижодкор асарларининг адабиёт тарихида тутган ўрни ўзига хос. Унинг воқеликка муносабати шеърларида ёрқин бадиий шаклда акс этган. Шоир шеърларининг салафлари ижодидан фарқли ҳамда муштарак жиҳатларини қиёсий ўрганиш Комёбнинг ижодкор сифатидаги ўзига хос эканини кўрсатади.

10. Комёб асарларида инсон камолоти, маънавий юксалиши, унинг жамиятдаги ўрни, ўзликни англаш ва Ватанга муҳаббат мавзулари қаламга олинган. Шоирнинг лирик меросида ишқ-муҳаббатга бағишланган ғазаллар салмоқли ўринни эгаллайди. Сайид Ҳомид тўра турли мавзулардаги асарлари орқали жамият барқарорлиги, миллат келажаги, давлат мустақамлиги, фуқаро садоқати, улар устидан адолатли сиёсат юргизиш, бунинг учун амал қилиниши зарур бўлган қоидалар, подшоҳнинг бу борадаги фаолияти масалаларини гўзал бадиий шаклда талқин этган. Ижодкор асарларида ёритилган мавзулар жамият аъзоларини, айниқса, ёш авлодни инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, аجدодлар ўтмишини билишга қизиқиш, уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга, ҳаётни севувчи, келажакка ишончи баланд, комил шахсларни етиштиришга хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жўраев Ж. Комёб шеърини манбалари ва айрим хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси, 2000. – № 6. – Б. 23-29.
2. Жўраев Ж. Навоий ва Комёб // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. – № 5. – Б. 41-44.
3. Жўраев Ж. Хоразм осмонида учар юлдуз // Сирли олам, 2002. – № 2. – Б. 16-17.

4. Жўраев Ж. Комёб шеърларида Расулulloҳ сиймоси // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2002. – № 3. – Б. 232-233.
5. Жўраев Ж. Комёб девони ва ундаги форсча шеърлар // Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002. – Б. 38.
6. Жўраев Ж. Ишқи ҳақиқий йўлида – Комёб // Истиклол ва маънавият муаммолари. – Жиззах: Сангзор, 2002. – Б. 28-32.
7. Жўраев Ж. (нашрга таёрловчи ва сўзбоши муаллифи) Сайид Ҳомид тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. – Т.: Академия, 2002. – 116 б.
8. Жўраев Ж. Комёб ижоди ҳақида баъзи бир қайдлар // Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни. – Тошкент: Сангзор, 2003. – Б. 90-91.
9. Жўраев Ж. Сайид Ҳомид тўра ва унинг “Таворих ул-хавонин” асари // Тарихий манбашунослик муаммолари. – Т.: Университет, 2003. – Б. 94-96.
10. Жўраев Ж. Комёб. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 673.
11. Жўраев Ж. Ферузнинг тарихчи иниси // Мозийдан садо, 2005. – № 2. – Б. 28-29.
12. Жўраев Ж. Комёбнинг “Таворих ул-хавонин” асари ва кўлёмаларининг матн хусусияти ҳақида // Убайдалла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2007. – Б. 14-17.
13. Жўраев Ж. Комёбнинг “Таворих ул-хавонин” асари Ислом маданиятга оид манба сифатда // Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент-Самарқанд: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 323-325.
14. Жўраев Ж. Комёбнинг тарихий асарларидаги Огаҳий шеърларининг матний қиёси // Адабиёт кўзгуси, 2008. – №10. – Б. 26-31.
15. Жўраев Ж. “Таворих ул-хавонин”нинг Мунис, Огаҳий, Баёний асарларидан фарқи // Ёш шарқшуносларнинг Уабуйдалла Каримов номидаги VII илмий-амалий конференцияси тезислари. – Т., 2009. – Б. 22-25.
16. Жўраев Ж. Комёб тахмисларининг айрим хусусиятлари ҳақида // Шарқшунослик, 2009. – № 14. – Б. 174-177.
17. Джураев Дж. Хивинский историк Комёб и его произведения // Казахведение. – Казахстан, 2011. № 2 (19) – С. 17-21.
18. Curayev Cemâleddin. Kâmyab’ın tarihî eserleri üzerine // Güncel Sanat. –Türkiye. Alanya / Antalya. 2011. Sayı: 13. – S. 51-53.
19. Джураев Дж. Об исторических произведениях Сайид Хамид тура Камёба // Вестник Челябинского Государственного педагогического университета. – Россия, Челябинск. 2011. – № 11. – С 239-246.
20. Жўраев Ж. Комёб асарларига ўтмиш ва замондош ижодкорларнинг таъсири // Адабиёт кўзгуси, 2011. – № 12. – Б. 86-90.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Жўраев Жамолiddин Аминжоновичнинг 10.01.11-Адабий манбашунослик
ва матншунослик ихтисослиги бўйича “Комёб ҳаёти ва ижодий мероси
манбалари тадқиқи” мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: кўлёзма манба, мусаввада, шеърят, девон, жанр, адабий анъана, салафлар ижоди, поэтик фикр, шеърӣ санъатлар, илмий тасниф, бадиӣ-тарихий асар, матн таҳрири, қиёсий-матний тадқиқ, илмий-монографик тавсиф.

Тадқиқот объекти: Комёб девонининг ЎзР ФАШИ фондидаги 2627, 3730/IV, 1257, 1005 рақамли, “Таворих ул-хавонин”нинг 7717/I, 853/III, 3730/I, “Мунтахаб ул-воқеот”нинг 3730/II рақамли, “Эсдалиқлар”нинг 3730/III, 7717/II рақамли кўлёмалари илмий ишнинг объекти саналади.

Ишнинг мақсади: Комёб ҳаётини, у яшаган давр ва ижодий мероси манбаларини ўрганиш, шоир асарларининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш, бадиӣ маҳоратини аниқлаш ва ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш диссертациянинг асосий мақсадидир.

Тадқиқот усуллари: қиёсий-типологик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Комёб ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи бор монографик ишнинг яратилганлиги тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади. Ишнинг илмий янгилиги яна қуйидагиларда кўринади:

- кўлёзма манбалар ва архив ҳужжатлари асосида Комёб илмий биографияси яратилди;
- Комёб асарларининг кўлёзма нусхалари таҳлил этилди;
- шоир асарларининг матний-қиёсий тадқиқи амалга оширилди;
- ижодкор бадиӣ-тарихий асарларининг Хива хонлиги ижтимоӣ-сиёсий, маънавий ва адабий ҳаётига оид муҳим манба эканлиги илмий асосланди;
- шоир шеърларининг жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами, уларда муаллиф дунёқарашининг ифодаланиши ва маҳорат масалалари ўрганилди;
- Комёбнинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни белгилангани.

Амалий аҳамияти: Ишдаги маълумотлар ва шоир ижодиёти юзасидан билдирилган илмий умумлашмалардан олий ўқув юртларининг филология ва тарих факультетлари учун дарслик, ўқув қўлланма ва хрестоматиялар тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Хоразм адабий муҳити, хусусан, Комёб ижоди бўйича илмий изланиш олиб боровчи мутахассислар истифода этишлари мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқот натижалари бўйича илмий анжуманларда маърузалар қилинган, 1 китоб, 19 илмий мақола ва тезислар нашр этилган.

Қўлланиш соҳаси. Адабий манбашунослик ва матншунослик.

РЕЗЮМЕ

диссертации «Исследование источников о жизни и творческого наследия Камяба» Джураева Джамалиддина Аминджановича на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.11 — «Литературное источниковедение и текстология»

Ключевые слова: рукописный источник, мусаввада, поэзия, диван, жанр, литературные традиции, поэтическое мышление, поэтические фигуры, научная классификация, художественно-историческое произведение, редактирование текста, сравнительно-текстологическое исследование, научное описание.

Объект исследования. Объектами исследования научной работы считаются рукописи дивана Камяба из фонда Института востоковедения АНРУз №№ 2627, 3730/IV, 1257, 1005, а также рукописи №№ 7717/I, 853/III, 3730/I произведения «Таворих ул-хавонин», № 3730/II произведения «Мунтахаб ул-вокеот», №№ 3730/III, 7717/II произведения «Эсдаликлар».

Цель работы. Основной целью диссертации является изучение жизни Камяба, его эпохи и творческого наследия, сравнительно-текстологическое исследование произведений поэта, определение художественного мастерства и роли творческого наследия автора в истории узбекской литературы.

Метод исследования: сравнительно-типологический.

Полученные результаты и их новизна:

- проведено монографическое исследование жизни и творчества Камяба;
- на основе первоисточников составлена научная биография поэта;
- проведен анализ рукописных произведений;
- исследован произведении поэта в сравнительно-текстологическом аспекте;
- научно обосновано, что художественно-исторические произведения автора являются важным источником сведений о социально-политической, духовной и литературной жизни Хивинского ханства;
- изучены жанровые особенности и тематики стихотворений поэта; мировоззрения; особенности мастерства автора;
- определена роль Камяба в истории узбекской классической литературы.

Практическое значение. Представленные в работе сведения и научные обобщения по творчеству поэта можно использовать при составлении учебников, учебных пособий и хрестоматий для филологических и исторических факультетов высших учебных заведений. Также результаты исследования могут быть использованы специалистами, занимающимися научным изучением литературной среды Хорезма, в частности, творчества Камяба.

Степень применения и экономическая эффективность. По результатам исследования прочитаны доклады на научных конференциях, опубликованы 19 научных статей и тезисов; подготовлена к изданию 1 книга.

Сфера применения. Литературное источниковедение и текстология.

SUMMARY

of the thesis “Investigation of the sources of life and creative heritage of Kamyab” of Juraev Jamaliddin Aminjanovich for gaining the degree of candidate of philological sciences, specialty 01.10.11-literary source study and textual criticism

Keywords: manuscript source, mussavada, poetry, divan, genre, literary tradition, the work of predecessors, the poetic view, the means of artistic representation, poetic art, scientific classification, the artistic-historical work, the edition of the text, a text-comparative research, scientific monographic description.

Object of study: objects of study of the scientific work are manuscripts from the collection of the Institute of Oriental studies ASRUz No 2627, 3730 / IV, 1257, 1005, as well as manuscripts No 7717 / I, 853/III, 3730 / I of “Tavorikh ul-havonin”, No 3730/II of “Muntahab ul-vokeot”, No 3730/III, 7717/II of “Esdaliklar”.

The aim of the work: The main purpose of the thesis is to study the life of Kamyab, his epoch and creative heritage, a comparative study of the poet’s works, the definition of artistic skill and the role of the author’s heritage in the history of Uzbek literature.

Methods of investigation: a comparative typological method.

The results obtained and their novelty: Scientific novelty of the research is the establishment of the first monographic work about the life and work of Kamyab. The scientific novelty of the work is defined as follows:

- On the basis of written sources and archival documents Kamyab’s scientific biography was compiled;
- Manuscripts of Kamyab’s works were analysed;
- A comparative study of the poet’s works was done;
- It was scientifically proved that the artistic and historical works of the author are an important source of socio-political, cultural and literary life of the Khanate of Khiva;
- The genre features and scope of the sources of his poems, reflection of the author’s philosophy on them and skill issues were explored;
- The role of Kamyab in the history of Uzbek classical literature was defined.

Practical significance: The information and scientific generalizations on poet’s works presented on this thesis can be used in the preparation of textbooks, manuals and anthologies for philological and historical faculties of the universities. Also, the results of the investigation may be the used by the specialists who are working on the scientific study of the literary environment of Khorezm, in particular, on the creativity of Kamyab.

The degree of use and economic effectivity: According to research results reports were made at scientific conferences, 1 book, 19 scientific articles and theses were published.

The sphere of use: The literary source study and textual criticism.